Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 237 (5841).

30 НОЯБРЬ СЕШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЮСФРНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ўртоқлар Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами муносабати билан ЮКС Раиси, ЮСФР Президенти ўртоқ Иосип Броз Титога самимий табрикнома йўлладилар.

Телеграммада уқтириб ўтилдики, КПСС билан ЮКС ўртасида, Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасида дўстона муносабатлар йил сайин кўп соҳаларни ўз ичига олмоқда ва муттасил ривожланиб бормоқда. (ТАСС).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1976-1980 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим қилиниб, министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бўйича беш йиллик йилларига тақсимланган, КПСС XXV съезди тасдиқлаган 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик плани маъқуллансин.

2-модда. Беш йиллик мобайнида ҳосил қилинадиган миллий даромадни 31,7 процент, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 36 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни 32,6 процент ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни 47,6 процент кўпайтириш таъминлансин.

1976—1980 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми ўтган беш йилликдагига нисбатан 22 процент оширилсин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини изчил равишда интенсивлаш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш таъминлансин. Беш йиллик мобайнида колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик ўсиш даражаси 20 процент оширилсин.

1976—1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат беш йиллик планининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин:

(1975 йилга нисбатан процент ҳисобида)

	1976 й.	1977 й.	1978 й.	1979 й.	1980 й.
Иттифоқ-республика министрликлари ҳамда идораларига қарашли саноат маҳсулотлари	101,0	107,1	111,9	118,2	128,2
шундан: иттифоқ-республика қарамоғидаги саноат бўйича	100,7	106,7	111,2	117,1	126,9
республика қарамоғидаги саноат бўйича	103,6	110,6	117,6	127,4	139,0
Давлат капитал маблағлари (Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли хўжалик бўйича)	100,6	103,9	106,0	106,9	114,3
Умумий фойдаланиладиган автомобиль транспорти юк обороти	106,5	116,4	125,6	136,5	150,5
Саноат фаолиятидан олинадиган фойда (республика қарамоғидаги саноат бўйича)	111,0	122,0	138,0	159,0	184,0
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти	104,4	111,4	120,6	129,5	138,9

3-модда. КПСС XXV съезди қабул қилган социал тараққиёт ва халқнинг моддий ҳамда маданий турмуш даражасини янада юксалтириш программасини бажариш мақсадида беш йиллик мобайнида реал даромадларни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 13,6 процент ошириш таъминлансин, умумий саҳни 26,3 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилсин ва уй-жой қурилишнинг сифати оширилсин.

Фан ва техника ютуқларини кенг қўлланиш, технология процессларини такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш асосида меҳнатнинг социал-иқтисодий ва ишлаб чиқариш шароитлари яхшиланиши, унинг ижодий тус олишини кучайтириш, қўл кучи билан бажариладиган, кам унумли ҳамда жисмоний оғир меҳнатни ҳар томонлама қисқартириш таъминлансин.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришда иш ҳақининг рағбатлантирувчи роли кучайтирилсин. Ишчи ва хизматчиларни мукофотлаш системасини такомиллаштириш, мукофотлар бериш меҳнат натижаларига, маҳсулот сифатига, ишлаб чиқариш топшириқларининг, техникавий жиҳатдан асосланган иш нормаларининг бажарилишига боғлиқлигини кучайтириш таъминлансин.

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидаги нисбат яхшилансин, бир хил мураккабликда, оғирликда ва интенсивликда бўлган меҳнатга ҳақ тўлашда кўпроқ бир хиллик бўлиши таъминлансин.

Аҳоли соғлиғини саклаш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлари яхшилансин, халқ маорифи системаси ривожлантирилсин, маданият муассасалари тармоғи кенгайтирилсин.

1976—1980 йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва маориф ишларини ривожлантиришнинг қуйидаги кўрсаткичлари белгилансин:

(1975 йилга нисбатан процент ҳисобида)

	1976 й.	1977 й.	1978 й.	1979 й.	1980 й.
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми	110,4	123,9	138,4	155,6	175,4
Давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	107,1	113,9	120,4	127,3	134,3
Куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони	106,7	124,9	156,2	189,6	123,1
Ҳунар-техника билим юртларига қабул қилинадиган ўқувчилар — жами шу жумладан:	—	107,5	116,0	125,6	135,2
Ўрта ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул килиш	1,5 марта	1,9 марта	2,4 марта	2,9 марта	3,3 марта
Ўрта махсус ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш	103,1	109,2	113,8	118,9	129,8
Олий ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш	105,2	107,3	109,4	110,5	111,6
Касалхоналардаги ўринлар сони	103,7	108,6	109,8	111,2	113,2

4-модда. Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бўйича 1976—1980 йиллар учун Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат беш йиллик планининг қуйидаги энг муҳим кўрсаткичлари тасдиқлансин:

	1980 йилда 1975 йилдагига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш (территория бўйича) процент ҳисобида	1976—1980 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажми (1971—1975 йиллардаги ўртача йиллик ҳажмга нисбатан) процент ҳисобида	1980 йилда давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти (1975 йилдагига нисбатан процент ҳисобида)
Қорақалпоғистон АССР	126,2	129	141,3
Андижон области	129,7	116	137,5
Бухоро области	144,2	124	135,9
Жиззах области	179,6	135	139,4
Қашқадарё области	153,1	142	143,6
Наманган области	131,7	116	139,8
Самарқанд области	140,0	122	143,6
Сурхондарё области	126,9	124	138,5
Сирдарё области	159,3	115	139,5
Тошкент области	129,6	114	140,9
Фарғона области	124,7	117	141,9
Хоразм области	142,6	118	142,7
Тошкент шаҳри	144,1	—	132,5

Қорақалпоғистон АССР Олий Советига, меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларига автоном республика, область ва Тошкент шаҳри территориясида бутун хўжаликни ривожлантиришнинг энг муҳим кўрсаткичларини қўйган ҳолда 1976—1980 йиллар учун халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планини тасдиқлаш топширилсин.

5-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроқўмига қуйидаги вазифалар топширилсин:

а) КПСС XXV съезди тасдиқлаган 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларига ҳамда ушбу Қонунга амал қилиб, ҳар бир корхона, ишлаб чиқариш бирлашмаси, ташкилот бўйича беш йиллик йиллари бўйича тақсимланган беш йиллик планлар тузиб чиқиш таъминлансин;

б) экономикани ривожлантириш ва ишлаб чиқарашнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин. Халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқариш ишларини такомиллаштириш, корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, ташкилот ва муассасалар фаолиятини яхшилаш тадбирлари кўзда тутилсин;

в) беш йиллик планни амалга ошириш жараёнида асосий эътибор фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, кучайтириш ҳамда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларидаги иш иқтисодий тежашни, сифатини яхшилаш асосида иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама оширишни ва биринчи галда меҳнат унумдорлигини ўстиришни таъминлашга қаратилсин.

6-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—1980 йилларга мўлжалланган Давлат беш йиллик плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет, тармоқ комиссиялари ва Ишлар масаласи бўйича комиссияси Хулосасида баён қилинган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1976 йил 25 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАКЛИФИ

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг раҳбарлари 1976 йилнинг 25 — 26 ноябрь кунлари Бухарест шаҳрида Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашига йиғилиб, урушнинг олдини олиш ва халқаро кескинлик юмшашини чуқурлаштириш билан, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун кураш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар.

Улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашдан кейин ўтган вақт кенгаш натижалари ҳамда кенгаш қатнашчиларининг Якунловчи акт бўйича зиммаларига олган мажбуриятлари катта ижобий аҳамиятга эга бўлганлигини тасдиқлаётганлигини таъкидладилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар шу билан бирга ҳаёт Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратларни бундан буён ҳам ошириб бораверишга зарурлигини тақозо этяпти, деб ҳисоблаб ва айни шу йўналишда ҳаракат қилишга маҳкам бел боғлаганликларини изҳор этиб (улар буни махсус декларацияда баён қилдилар), Якунловчи актни имзолаган ҳамма давлатлар бир-бирларига қарши ядро қуролини биринчи бўлиб қўлланмаслик мажбуриятини зиммаларига олишлари шу максадларга мос бўлур эди, деган хулосага келдилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикасининг умумий келишувларига кўра, тегишли Шартнома лойиҳаси ушбу мактубга илова қилиб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган бошқа ҳамма давлатлар муҳокамасига юборилади.

* * *

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Бухарестда ўтказилган кенгашида 1976 йил 26 ноябрь куни қабул қилинган,

ЛОЙИҲА

ШАРТНОМА

Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган, қуйида аҳдлашувчи олий томонлар деб аталувчи давлатлар ушбу кенгашнинг мақсадлари ҳамда Якунловчи акти моддаларидан рухланиб;

ўз ўрталарида ишончни мустаҳкамлаш, ҳарбий қарама-қаршиликни бўшаштириш ҳамда қуролсизланишга кўмак беришга қаратилган биргаликдаги янги ҳаракатни бошлашни истаб;

БМТ Уставининг мақсадлари ва принципларига мувофиқ иш кўриш йўлидаги хоҳишларини изҳор этиб;

бир-бирларига қарши ядро қуроли ишлатишга ёки ядро қуролини ишлатиш билан дўқ қилишга йўл қўймасликка астойдил аҳд қилиб;

Европада ва бутун дунёда ядро уруши хавфини камайтиришга ўз ҳиссаларини қўшишга интилиб, зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олдилар:

I МОДДА

Қуруқликда, денгизда, ҳавода ва космик фазода ядро қуролини бир-бирларига қарши биринчи бўлиб қўлланмаслик.

II МОДДА

1-моддада кўзда тутилган мажбурият давлатларнинг ўз территорияларидан ташқари уларнинг ер қуррасининг ҳар қандай районида турган қуролли кучларига ҳам тааллуқлидир.

III МОДДА

Ушбу Шартнома муддатсиздир.

IV МОДДА

Шартнома 1975 йилнинг 1 августида Хельсинки шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш Якунловчи актини имзолаган ҳар бир давлатнинг имзолаши учун очиқ.

V МОДДА

1. Ушбу Шартномани уни имзолаган давлатлар ратификация қилишлари керак. Ратификация ёрлиқлари депозитарий давлат сифатида тайинланадиган . . . ҳукуматига сақлаш учун топшириб қўйилади.

2. Шартнома аҳдлашувчи ҳар бир томон ратификация ёрлиғини топширган пайтидан бошлаб унинг учун кучга киради.

VI МОДДА

1. Русча, инглизча, испанча, итальянча, французча ва немисча текстлари бир-бирига бир хилда монанд бўлган ушбу Шартнома . . . ҳукуматига сақлаш учун топшириб қўйилади.

2. Шартнома Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 102- моддасига мувофиқ рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1- модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Советининг план бюджет комиссияси, саноат комиссияси, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати комиссияси, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа комиссияси, қишлоқ хўжалиги комиссияси, сув хўжалиги комиссияси, халқ маорифи комиссияси, фан ва маданият комиссияси, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссияси, савдо ва умумий овқатланиш комиссияси, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш комиссияси, табиатни ва ёр ости бойликларини қўриқлаш комиссияси ҳамда ёшлар масаласи комиссияси киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда маъқуллансин.

2- модда. 1977 йилда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат планининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин:

	(ўсиш 1976 йилга нисбатан процент ҳисобида)
ҳосил қилинадиган миллий даромад	4,5
саноат маҳсулоти — ҳажми шу жумладан:	4,5
ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш	4,3
истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	5,2
давлат капитал маблағлари (Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли хўжалик бўйича)	0,7
умумий фойдаланиладиган автомобиль транспорти юк обороти	6,6
иш ҳақи фонди (республика қарамоғидаги хўжалик бўйича)	4,9
саноат фаолиятидан олинадиган фойда (республика қарамоғидаги хўжалик бўйича)	13,3
аҳоли жон бошига реал даромадлар	2,6
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти	5,6

3- модда. 1977 йилда 1976 йилдагига нисбатан қуйидагиларни кўпайтириш таъминлансин:

аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми	10,6 процент
давлат бюджетида бўлган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	6,2 процент
куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони	18,4 процент
ҳунар-техника ўқув юртларига ўқувчилар қабул қилиш	9,0 процент
ўрта махсус ўқув юртларининг кундузги бўлимларига ўқувчилар қабул қилиш	5,8 процент
олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига студентлар қабул килиш	4,7 процент
касалхоналардаги ўринлар сони	4,5 процент

1977 йилда маблағ билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига умумий саҳни 5 миллион квадрат метр ҳажмдаги бўлган уй-жойлар қурилсин.

4- модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари хулосасида баён қилинган таклифлар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1976 йил 25 ноябрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд областининг пахтакорларини, механизаторларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ходимларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, тайёрлов ва хўжалик органлари ходимларини ва мутахассисларини, барча меҳнаткашларини ажойиб меҳнат ғалабаси — давлатга пахта сотиш юзасидан ўнинчи беш йиллик биринчи йили социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганлиги билан қизғин ва самимий табриклайдилар.

Самарқанд областининг қишлоқ меҳнаткашлари фан муваффақиятлари ва илғор тажрибани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига кенг жорий этиб, Коммунистик партиянинг пахтачиликни интенсивлашдан иборат йўлини изчиллик билан амалга ошира бориб, фидокорона меҳнатлари билан пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, уни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Давлатга 537 минг тонна пахта тайёрлаб умумий планда кўзда тутилганига қараганда 27 минг тонна кўп пахта сотдилар. Ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил олинди. Пахтанинг 91 процентидан кўпи биринчи сортларга қабул қилинди.

Давлат тайёрлов пунктларига 74 минг тонна пахта топширган **Пастдарғом** районининг, 66 минг тонна пахта топширган **Каттақўрғон** районининг, 61 минг тонна пахта топширган **Иштихон** районининг, 56 минг тонна пахта топширган **Хатирчи** районининг, 55 минг тонна пахта топширган **Жомбой** районининг, 53 минг тонна пахта топширган **Пахтачи** районининг, 52 минг тонна пахта топширган **Нарпай** районининг, 49 минг тонна пахта топширган **Оқдарё** районининг ва бошқа районларнинг хўжаликлари давлатга пахта сотиш юзасидан социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажаришга катта ҳисса қўшдилар.

Механизаторлар катта муваффақиятларга эришдилар. 306 минг тонна пахта машиналарда териб олинди. Машина терими плани 104 процент бажарилди.

Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда Самарқанд шаҳрининг, областдаги бошқа шаҳарлар ва райой марказларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчилар катта ёрдам бердилар.

Областнинг колхоз ва совхозлари давлатга дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева, узум ва пилла сотиш планларини ҳам ошириб бажардилар.

Меҳнатда эришилган ғалаба Самарқанд области колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, тайёрлов ва хўжалик органлари ходимлари ҳамда мутахассисларининг, барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати натижаси, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг натижаси дир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд областининг пахтакорлари йиғим-терим ишларини қисқа муддатларда тугаллайдилар, пахта тайёрлашни 550 минг тоннага етказадилар, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ва чорва қишловини муваффақиятли ўтказадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР колхозчиларини, совхоз ишчилари, механизаторларини, қишлоқ хўжалик, сув хўжалик ва тайёрлаш органлари ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини катта меҳнат ғалабаси— давлатга шоли сотиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги билан самимий табриклайдилар.

Автоном республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари партиянинг тарихий XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўнинчи беш йиллик биринчи йилида дон етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажара бориб, мўл шоли ҳосили етиштирдилар, уни уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олдилар ва Ватан омборларига 160 минг тоннадан зиёд шоли тўкдилар. Бу 1976 йилга белгиланган умумий харид ҳажмидан анча кўп.

Давлатга 38,5 минг тонна шоли сотган Ленинобод районининг, 37,6 минг тонна шоли сотган Қораўзак районининг, 29,6 минг тонна шоли сотган Қораўзак районининг, 25,7 минг тонна шоли сотган Нукус районининг, 25 минг тонна шоли сотган Чимбой районининг шоликорлари шу катта меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

«Партия XXII съезди», Чапаев номли, «ВЛКСМ 50 йиллиги», «Маданият», «Равшан», «Олтинкўл» ихтисослаштирилган шоликорлик совхозлари шоли ўриб-йиғиш ва тайёрлашда юксак кўрсаткичларга эришдилар. Кўнғирот районидаги Чапаев номли совхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Бакниёзов бошчилигидаги бригада аъзолари, Ленинобод районидаги «Партия XXII съезди» совхозида А. Сарсенбоев бошчилигидаги бригада аъзолари, Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида Е. Тен бошчилигидаги бригада аъзолари ва бошқа кўп бригадалар гектар бошига 70—75 центнердан шоли олдилар.

Чапаев номли совхозда комбайнчи Максуд Жуманиёзов, «Равшан» совхозида комбайнчи Довулбой Болташев, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозида комбайнчи Жўлдасбой Исмоилов, «Партия XXII съезди» совхозида комбайнчилар Перде Усенов ва Юрий Те, «Маданият» совхозида комбайнчи Халқобод Сейтимов, Қораўзак совхозида комбайнчи Неъмат Мирзаҳмедов ва бошқа кўп кишилар 500—550 тоннадан шоли янчиб, ўрим-йиғимда яхши меҳнат қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР партия, совет ва хўжалик органлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини бажара бориб, шу йилни муваффақиятли тугатадилар, келгуси йил ҳосили учун ҳамма агротехника тадбирларини бажо келтирадилар, чорва қишловини намунали ўтказадилар ва ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида Ватанни янги-янги муваффақиятлар билан ҳурсанд қиладилар, деб қаттиқ ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1977 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет комиссияси, саноат комиссияси, қурилиш ва биноқорлик материаллари саноати комиссияси, транспорт-йўл хўжалиги ва алоқа комиссияси, қишлоқ хўжалиги комиссияси, сув хўжалиги комиссияси, халқ маорифи комиссияси, фан ва маданият комиссияси, соғлиқни сақлаш ва социал-таъминот комиссияси, савдо ва умумий овқатланиш комиссияси, коммунал хўжалиқ ва маиший хизмат комиссияси, табиатни ва ер ости бойликларини қўриқлаш комиссияси ва ёшлар масаласи комиссияси киритган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда даромад ва харажатлар бўйича 4518677 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетида давлат ва кооператив корхоналаридан ҳамда ташкилотларидан олинадиган даромадларнинг оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун олинадиган ҳақ рўйхатга олинадиган тўловлар, фойданинг эркин қолиши, фойдадан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа даромадлар — жами 3858839 минг сўм миқдорида белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетида халқ хўжалигини — оғир саноат, қурилиш индустрияси, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалиги, транспорт, уй-жой-коммунал хўжалиги ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни маблағ билан таъминлашга қилинадиган ҳаражатлар — жами 1954421 минг сўм миқдорида белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга — умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника ўрта махсус ва олий ўқув юртлари илмий-текшириш муассасалари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, телевидение, радиоэшиттириш ҳамда маориф ва маданиятга доир бошқа тадбирларга: касалхоналар, болалар яслилари, санаторийлар ҳамда соғлиқни сақлаш ва физкультурага доир бошқа муассасаларга; пенсия ва нафақалар тўлашга ажратиладиган маблағлар — жами 2415036 минг сўм миқдорида белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетида давлат ҳокимияти органларини, давлат идора органларини ва судларини таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар 54696 минг сўм миқдорида белгилансин.

6-модда. Республиканинг 1977 йилги бюджети, маҳаллий бюджетларга бериладиган 1501313 минг сўм миқдордаги маблағларни ҳам ҳисобга олган ҳолда, даромадлар ва харажатлар бўйича 4250357 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

7-модда. Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг 1977 йилги Давлат бюджети ҳамда областларнинг ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари даромад ва харажатлар бўйича 1769633 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан: (минг сўм ҳисобида)

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	166317
Андижон области	131391
Бухоро области	130007
Жиззах области	58650
Қашқадарё области	108638
Наманган области	110145
Самарқанд области	174743
Сурхондарё области	98099
Сирдарё области	55577
Тошкент области	194340
Фарғона области	170124
Хоразм области	80584
Тошкент шаҳри	291018

8-модда. 1977 йилда Умумиттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджетига, областларнинг ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ажратмалар қуйидаги миқдорда тасдиқлансин:

а) оборот солиғи тўшумларидан: Қорақалпоғистон ССРга — 100 процент, Андижон областига — 67,7 процент, Бухоро областига — 44,8 процент, Жиззах областига — 100 процент, Қашқадарё областига — 77,6 процент, Наманган областига — 68,9 процент, Самарқанд областига — 27,4 процент, Сурхондарё областига — 88,6 процент, Сирдарё областига — 48,0 процент, Тошкент областига — 60,8 процент, Фарғона областига — 53,9 процент, Хоразм областига — 66,7 процент, Тошкент шаҳрига — 22,7 процент;

б) колхозлардан олинадиган даромад солиғидан, қишлоқ хўжалиги солиғидан, ССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданлардан олинадиган солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан ва пул буюм-лотереяси тушумларидан — 100 процент.

в) аҳолидан олинадиган даромад солиғидан: Қорақалпоғистон АССРга, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент областларига — 100 процентдан, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм областларига — 80 процентдан, Фарғона областига — 60 процент, Тошкент шаҳрига — 10 процент;

г) «Узсельхозтехника» бирлашмасига ва Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштириладиган оборот маблағлари учун фойдадан бюджетга тўланадиган ҳақдан — 50 процент миқдорида.

1977 йилда республика бюджетидан Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат планида кўзда тутилган тадбирларни маблағ билан таъминлаш учун Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Давлат бюджетига 29292 минг сўм, Жиззах области бюджетига 8974 минг сўм миқдорида пул ажратилсин.

9-модда. 1977 йилда Ўзбекистон ССР республика бюджети бўйича касса оборотидаги нақд пул 34300 минг сўм миқдорида тасдиқлансин.

10-модда. 1977 йилда Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Давлат бюджети ҳамда областлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлар бўйича касса оборотидаги нақд пул 62700 минг сўм миқдорида белгилансин, шу жумладан: (минг сўм ҳисобида).

Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси	5200
Андижон области	5100
Бухоро области	4700
Жиззах области	2200
Қашқадарё области	4200
Наманган области	4000
Самарқанд области	6400
Сурхондарё области	3900
Сирдарё области	2100
Тошкент области	7200
Фарғона области	5900
Хоразм области	3000
Тошкент шаҳри	8800

11-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва бошқа комиссиялари хулосасида баён қилинган тафсиллар ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисларида депутатлар томонидан киритилган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1976 йил 25 ноябрь, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг 1975 ИЙЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССРнинг 1975 йилги Давлат бюджети даромадлар бўйича 4663433 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 4542403 минг миқдорида, даромадлар харажатлардан 121030 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1976 йил 25 ноябрь, Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ КОДЕКСИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Ер ости бойликлари кодекси тасдиқлансин ва у 1977 йил 1 июлдан амалга киритилсин.

2-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССРнинг Ер ости бойликлари кодексини амалга киритиш тартибини белгилаш ва Ўзбекистон ССР қонунларини Кодексга мувофиқлаштириш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1976 йил 25 ноябрь, Тошкент шаҳри.

ОЛДИНДА БОРАЁТГАНЛАР ШАВКАТИ

БЎКАНИНГ ҚЎШ ЮЛДУЗИ

Ульяна Семеновна эвараси коляскада тебратаркан, хиргойи қилди: «Ухлагин, жоним болам, алла қўзим, аллаё, кетаяпмиз кенг далада, ором олгин, ширин қўзим, аллаё».

Мария Александровнанинг буви бўлиб улгурганини кутмагандим. Бу сўз қаддиқомати келишган, танишаётганимизда пахта териш комбайнидан енгил сакраб тушган аёлга сира қовушмасди. Яқингинада, шу жойда район партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган Тўхтамурод Исломов қўйидагиларни сўзлаб берганди: «Ковалевани илк бор кўрдим-у, ўйлаб кетдим: кимга ўхшайди ўзи? Парашютчигга. Худди ўзи. Коржома жуда ярашганки!».

Коржома ҳақида Ульяна Семеновна бошқача фикрда эди: «Хотин кишига тўғри келадими бу касб? Мария бўлса, яна бошқаларни ҳам шайдо қилиб қўйди». «Яна кимни?» «Саодатни».

Ҳовлида чинор ниҳоли бўй чўзиб турибди. Четанинг нариёғида хўтик ўтлаяпти, тележкада пахта ортган трактор кўзга чалиниб ўтди. Мана шундай манзарада украинча сўзлар эшитиш кишига эриш туюларкан. Кампиршога қийин бўлса керак, деб ўйлаб қолдим. Қизлари уни дунёнинг бир тупкасига кўчириб келишди. Лекин уларни ахён-аҳёнда кўриб қолади. Наталья бошқа колхозда бригадирлик қилади — ҳадеганда ишдан қўли тегиб хабар олгани келолмайди. Мария гарчи шу ерда бўлса ҳам эрта-кеч далада. Қизига олиб қўйган кечки овқатни икки-уч бор иситади, лекин у қайтгунча, тоқати тоқ бўлиб, ухлаб қолади. Ўтган кеча қачон қайтишга ваъда берганди? Соат иккиларда қайтаман деганди. Ульяна Семеновна уйғониб кетиб, эшикнинг нариёғида газетанинг шилдиришини эшитди. Соатга қараган эри, вой-бў, тўрт бўлиб кетибди. Демак, эндигина қайтиб келибди, даладан қайтгач, вақт ярим кечами, ундан ҳам ошганми — барибир, газетани кўздан кечириш Марияниинг канда бўлмас одати. Сал мижжа қоқиб олди-ю, ўрнидан туриб, ширин ухлаб ётган Олягинанинг устида парвона бўлди, ҳовлида экиб қўйилган турфа гулзор бўйлаб аста юриб, яна пахтазорга ёйғ олди. Унинг қаёти осонми?

Аммо Ульяна Семеновна буларни ошкора айтгани йўқ. Қуникиб қолган. «Нега ҳам кўникмас эканман? Киндик қонимиз тўкилган диёрда ҳам заминда яшагандек, бу ерда ҳам шундай». Совиб қолган кечки овқатлар, қуш уйқуси, эрта тонгдан қош қорайгунча ишлашга келганда Ульяна Семеновна қисқа ва лўндагина қилиб «шундай қилиш керак» деб айтиб қўя қолди.

«Шундай қилиш керак» деган ибора қизларининг тақдирида кўп нарсаларни рўёбга чиқарди. Мария ўн тўрт ёшида тракторга ўтирди. «Шундай қилиш керак, қизим. Эркаклар урушдан қайтиб келганидан кейин бу дамлар унут бўлиб кетади». Куну-тун ер ва ертўла ўртасида бўлинарди. Плуг кўпинча яқингинада бўлиб ўтган урушдан қолган темир-терсакка қадалиб, гижирларди. Эркаклардан бўлса ҳамон дарак йўқ. Ўшалар қатори отаси ҳам урушдан қайтмади. Шу тариқа Мария «отга минган суворий»дек ўзининг «универсалча»сида қолиб кетди.

Ўзбекистонга узоқ қариндошлари даъват этишди. «Тошкент — нон шаҳри». Аммо шаҳарни бундай ёзилиб томоша қилишолмади ҳам. Деҳқон қўллари ерни соғиниб қолганди. Воронежнинг хамирдай қора тупроғидан кейин бу жойлар қуруқшаб кетган тош метиндек туюларди. Тукли уругни илгари кўрган ҳеч қайси уруғга ўхшатишолмади. Шу уруг туфайли кулгига ҳам қолди, таъзирини еди: уни уругга юборишган эди, ўзбекча номини унутиб қўйибди. Чигитни экишган эди, ундан гўза ҳосил бўлди.

Пахта илмини ичвордим, деб ўйлаб, шу фикрга келиб қўйган эди, МТС директори Михаил Павлович Живодеров: пахта илмида эндигина атак-чечак қиляпсан, деди. Шунгача ер ҳайдаби, чигит экди, гўзани культивация қилди, — буларнинг ҳаммаси юмуш эди. Энди у техника революциясини амалга ошириши лозим эди. Сен бундан кулмагин, худди шундай қилишинг керак. Бу замин эсини танибдики, пахта йиғим-теримининг ягона усулини — қўл теримини биларди. Ҳозир машиналар оламга келди, уни ҳамма ҳам қабул қилавермайди.

«Энди тушуняпсанми, Мария? Исбот қилишинг керак...».

...Ҳеч ким ўзини машиннанинг тагига ташламади. Аммо машиннанинг орқасидан шовқин-сурон кучайибгандан кучайиб борарди. Орқасига ўгирилиб қаради. Машина ўтган туплардан оппоқ пахта ерга тўкилиб ётарди. Одамлар қўлларини пахса қилишар, қичқиришар, лекин бу овозлардан ўзи истаган «яхши» деган сўзларни эшитмасди.

Кейинчалик бу сўзни айтишди ҳам. У пахтакорлар слётига, Москвага йўл олди. Худди шу вагонда машҳур теримчи қиз Саодат ҳам кетаётган эди. Ёш бўлса ҳам сира гапи тамом бўлмайди. Шивир-шивир сира тинмайди. Гапга чечан бу қиз далада сукут сақлашига, ҳатто унга мурожаат қилишганида ҳам индамаслигига ишонгинг келмайди. Бу ерга келиб қолган меҳмон ундан сўрайди: «Шунча пахтани қандай қилиб қўлда терасан, Саодат?». Тим қора қошлари чимирилиб, нигоҳи бир зум пахтадан қочади. Унинг кўзларидан: «Кўрмаяпсизми, ахир мен бандман» деган сўзларни уқиб олиш қийин эмас.

Одамларнинг миш-миши унинг қулоғига ҳам етиб келди: бир одам кунига 405 килограмм пахта теришига ҳач ким ишонмайди. Укалари ёрдамисиз терибмиш. Укалари? Ахир улар тиқмачоқ қилиб қўйилган фартукларни тарозига олиб борди холос.

Орадан кўп ўтмай, Саодатга бошқа районга бориб энг яхши теримчилар мусобақасида қатнашасан деб қолишди.

Укалари йўқ эди. Ҳаммага бир даладан уч қатордан ажратиб, уч кун муҳлат беришди. Тўртинчи куни қаттиққўл ҳакамлар: «Саодат Гулаҳмедованинг кунлик терган пахтаси тўрт юз ўттиз килограммданга тўғри келди!» деб эълон қилишди. Бундан ортиғига ҳеч ким эришолмади.

Ўшанда шунча пахтани чаноқлар билан ўлчашга вақт бўлмаганди. Ҳозир бўлса ўлчаб кўришди. Ҳар бир кўсакда тўрт граммдан пахта бор. Демак, кунига юз мингтадан кўпроқ кўсакдаги пахтани териб олган! Шунча кўсакка шунчаки қўл тегизиб кўринг-чи! Саодат бўлса ҳар бир кўсакдан момиқдек юмшоқ пахтани тортиб олган.

Москвада уни Олтин юлдуз кутиб турарди. Ўшанда Саодат йиғирмага ҳам тўлмаганди.

Сўнгра Ўзбекистонга қараб йўл олишди. Куйбишевдаги вокзалда уларни оркестр билан кутиб олишди. Қимтиннб турган Саодатни микрофон ёнига таклиф этишди. Одамларнинг чеҳрасига назар ташланганди, бу чеҳралардан ўзига нисбатан ҳайрихоҳликни уқиб олди. Уларга нима деб жавоб берса экан? Яна кўпроқ пахта тераман, деб жавоб қилди.

Вагонда Ленин ордени олиб қайтаётган Мария Ковалева унга тегажоқлик қилди: «Эҳ, тентак қиз, асосий нарсани айтишни унутиб қўйдинг-а». «Нимани унутибман?» — ҳайрон бўлиб сўради Саодат. «Машинани бошқараману, ана ўшанда яна кўпроқ пахта тераман» демайсанми. Саодат ўйлаб қолди: Мария ҳазиллашяпти, у машина ҳайдашни хаёлига ҳам келтирмаганди. «Юр, чой ичамиз», — уни чорлади Мария.

Қайноқ-қайноқ чой ичишди. Чой баҳонасида ўтган баҳс янада қизгин бўлди. Мария ҳамма нарсанқ остинустин қилиб юборди. Саодат пахта теримидаги муваффақиятлари билан қўл терининг истиқболи йўқлигини исботлади. Қанча ҳаракат қилмагин, қўлингга ортиқча пахта илинмайди. Шундай эмасми, ахир? Машина бўлса... Мария машина мақтовини сўзни аямади. «Сенинг машинангни кетидан юрган одам пахтани туздан эмас, ердан териб олиши керак. Буни осон дейсанми?» — қизишди Саодат.

Яна бир мавсум ўтди. Саодат ўзининг олдинги рекордига яқинлашди. Аммо такрорлай олмади. Марияннинг машинада терган пахтаси эса Саодат бир мавсумда терган пахтаси миқдорида кўпайди.

Мария йиғим-теримдан кейин ҳам ҳордиқ чиқаролмади. Унга хотин-қиз механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсини топширишди. Бундай курс районда эндигина йўлга қўйилган эди. Рўйхатга кўз югуртирди... Гулаҳмедова С. иборасига кўзи тушиб, баракалла, деб қўйди.

Бундай мақтовнинг етишмаслигини Мария кейин Саодат тракторни бошқарганида тушунди. Марияга-куя машиннанинг сир-асрори аллақачон маълум. Курсда бўлса қизларнинг бармоқлари металлни ушлашга қовушмасди. Ғўзанинг оппоқ кўсак шо-даларида чаққон жавлон урган қўллар юраги бетламай, ричагга борарди. Машҳур чевар теримчининг қўллари шогирд қўлига айланди-қўйди. Мана шундай ишга юрак ютиб отланди Саодат!

— Биз ҳали яна мусобақалашамиз, Саодат.

— Нега куласиз, Мария опа? Сиз тажрибали механизаторсиз.

— Сенда эса ёшлик бор. Қўл беришамизми?

Яна Мария Ковалёванинг ҳаётига «Шундай қилиш керак» деган сўз кириб борди. Бу сўз Марияга Михаил Павлович Живодёровнинг таниш кўзлари билан қараб туриб айтилди. Михаил Павлович энди «Бўка» совхозининг директори эди.

«Янги совхоз нималигини биласанми? Ҳох ишон-ҳох ишонма, икки қадам ташламасданоқ калишсиз қолдим. Ютиб юбораман дейди-я. Ишонасизми, шундай дедию, йиғлаб юборди: Қай аҳволга тушиб қолдим?». Михаил Павловичнинг йиғлашини Мария сира кўз олдига келтиролмади. Ҳозир у кўз ёши қилганлигини ўзига ачинтириш учун тўқиб чиқарган деб ўйлайди, негаки, кейин шундай таклиф қилди: «Коммунистлар оз, Мария. Бизга ўтсанг бўлармиди. Нима дейсан?».

Ўрганиб қолган жойда қолиш керакми, ёки шўр босган яйдоқ ерга борсинми — буни ҳал этиш Марияннинг ўз ихтиёрида эди. Аммо лекин минг-минглаб кишилар янги ерларни ўзлаштириб, пахта етиштиряпти. Шундай қилиш керак. Бу лардан унинг қаери кам?

Ўша ҳафтадаёқ директор «мана шу ерда оёғим ботиб қолди» деб ниҳолли ҳиёбонни кўрсатди. Кейин уйлар бошланди. Ҳар бир одам ишни кўчат ўтқазишдан бошламайди. Шунда Мария бу ерга келган турли миллат кишилари — ўзбеклар, татарлар, туркманлар, украинлар, қиргизлар, корейслар директорни Отахон деб бежиз айтмасликларини тушунди.

Ўзини тутиб олган боғ биринчи бор барларини директорсиз тўкмоқда. Отахон ҳақида гапиришдан чарчашмайди. Кекса бригадир «Нега ёзмаяпсан? Эсингдан чиқариб қўясан» деб сўраб қолди мендан. Ахир, қаттиқ бетоб бўлиб ётган одамнинг экин-тикинга тайёргарлик кўришини унутиб бўладими. Унинг кабинетига соат сайин хотини шприц билан келиб, огрнгини қолдирарди...

«Отахоннинг даласида кечаги дўлдан кейин аҳвол қалай?» деб сўрашганида янги директор Жуманиёз Аннаев сира ҳам ҳафа бўлмади.

Отахоннинг даласида Мария таниш гул ўрмолли аёл тракторни бошқариб бораётганини кўрди. У «бизларникида нима қиляпсан, Саодат?» деб сўраб ҳам ўтирмади. Ўшанда бутун район ёрдамга келганди.

Мария машина бошқаришнинг пири бўлиб қолган. Саодат Ҳамза номли колхозда қизиллорликда ҳаммадан олдинда. Иккалови анчадан буён бригадирлик қилади. Уларнинг ери турлича, бу ўринда беллашмаса ҳам бўларди. Аммо Мария ҳозироқ гектаридан қирқ центнердан ҳосил кўтармоқда.

Саодат бўлса яна бир погона юқори кўтарилиб, ҳар гектар ердан нақд эллик центнердан ҳосил олди. «Бундай далада машинага осон бўлмас?». «Ҳа, осон эмас, лекин Мария янги бункер яратиш учун жон куйдиряпти».

У кузгача бу кузгача ҳосилдорлик ортаверди. Дала маликаларининг мукофотлари ёнига мукофотлар қўшилаверди. Энди Мария Олтин юлдуз олди, Саодат бўлса Ленин орденига сазовор бўлди.

Гарчи Ульяна Семёновна ичида қизининг ихтиросси аёл кишига муносибмас, деб ойинса-да, Марияннинг «машиналарнинг энг катта одами» билан баҳслашганини биринчи бор унинг ўзидан эшитдим. Онанинг кўзларидан фахрланиш туйғуси сезилиб турарди.

Бу гап катта бир кенгашда бўлганди. Мария сўзга чиқиб, бункер ҳақида гап очди. Ҳосилдорлик ошиб бормоқда, бункер пахтага тез тўлмоқда. Машинадан тушиб, бункердаги пахтани шиббалаб босишга тўғри келмоқда, шундай қилмаса, пайкалнинг нариги бошига боргунга қадар тўлиб қолади. Бундай қилиш яхши эмас, қолаверса, анча хатарли. Наҳотки, гидравликани мослаб бўлмаса? Яна шуниси ҳам ёмонки, машинанинг ишчи аппаратларига бемалол яқинлашиб бўлмайди.

Бош конструктор Радкевичнинг қовоғи солинди. Охири чидаб туролмади. «Механизаторлар эски техникага кўникиб қолишган, янгиликни ёқтиришмайди. Бу тушунарли». деб қолди. Бу луқма Марияннинг нафсониятига тегиб кетди. Пахта териш машиналарининг бунёдкорларига камоли эҳтиром билан қарарди. Улар жуда улуғ иш қилишди. Мария фақат бир нарсани тушунолмасди: нега энди амалда такомиллик киритилиш лозим бўлган таклифларга тихирлик қилишади? Ахир, бу машина яратишга нисбатан қийин вазифа эмас-ку! Бош конструкторнинг луқмасидан ўзини ўйлантириб юрган саволга жавоб топди. Машина бош конструктор учун гоят қадрли, унинг кўп куч-қувватини олган. Энди у бамисоли фарзандидек бўлиб қолган машина ҳақида айтилган ҳар қандай танқидга рўйхуш бермайди. Нима қилибди, бўлмаса, у чўткалар ҳақида гапиради. Чўткаларни ботбот алмаштириб туришга тўғри келади. Алмаштириш учун эса болтларни бўшатиб, яна маҳкамлаш керак бўлади. Барабанда 32 болт, 32 шайба ва 32 мустаҳкамлагич гайка бор. Шу қулайми?

Кейин Марияннинг ўзи хафа бўлиб юрди: кескин гапириб юбормадимикан, деб ўкинди ҳам.

Яқинда байрам тантаналаринннг бирида «Мария, бу ёққа кел!» деб чақириб қолишди. Қараса: Радкевич!

— Мана, сен бизни ҳамон койийсан. Сенга пахтани тортиб оладиган чўткалар ишлаб чиқаряпти.

— Раҳмат, Евгений Владимирович. Мен буни фақат ўзим учун сўрамаганман.

Яқинда у ўзининг эски «Волга»сини ҳам ўзи учун ҳайдаб чиққани йўқ. Депутат сифатида клубга кучланишли двигатель топиб беришни ёшларга ваъда қилганди. Касалхонада ётган Саодатни кўриб келиш учун ҳам вақт топди.

Доктор унга диққат билан разм солиб турди-да:

— Сиз — Ковалёвасиз. Топдимми? Ҳайрон бўляпсизми-а? Саодат ҳамма гапни қулоғимга қуйиб бўлган: «Мария опа пахта терса-ю, мен қараб ўтиравераманми?» деб ҳоли-жонимга қўймайди. Эрига телефон қилиб: «Хотинингизни олиб кетинг, бўлмаса пахтазорга қочиб кетади» деб тайинладик. Сизларга дош бериш жуда қийин.

Баҳодир онасининг уйдалигини ҳали билмасди. Бир қўлида портфелини кўтарган, иккинчи қўлини кўкрагига босганича бир қучоқ пахтани авайлаб олиб келарди. Шу ҳолича уйга кириб келди. Онасини кўрдию, портфелини улоқтириб, ўзини унинг бағрига ташлади. Аммо пахта ҳамон бағрида эди. «Опа, буни мен йўл-йўлакай териб олдим». Ҳали кундалик ҳақида ҳеч нима демаган бўлса ҳам, бахтиёр она ўғлининг тим қора сочларини силаб: «Баракалла, азаматим!» деб эркалади.

Баҳодир далада ҳам онасидан қолмасди. Теракзорнинг орқа томонида гала-говур гоҳ кучаяр, гоҳ пасаярди. Қатор ораларида қўнғир ранг оппоқ ранг билан қўшилиб кетарди. Оқ ранг кўпроқ. Аммо кўз янглишиши мумкин. Ғўза тупларидаги кўсакларни санаб чиқди. Сал нарида кенг елқали раис Йўлдош Хожиматов билан озғиндан келган агроном Жўра Мусаев кулимсираб туришарди. Улар ҳар гектар ердан эллик центнердан ҳосил олинишини аллақачон ҳисоблаб қўйишганди.

Бригаданинг кекса қоровули келиб қолди: «Келдингми? Ўзинг бўлганда аллақачон тамомланган бўларди».

Саодатнинг ўрнида унинг укаси Ҳужжат қолганди. Нима, у ёмон ишладими?

Аширмат ота далага кўз ташлаб туриб айтди: «Ҳужжат яхши ишлаяпти». Кейин нигоҳини Саодатга ташлаганда, бир нималар деди. Унинг биронта ҳам сўзига тушунолмадим. Таржима қилиб беришди. Аширмат ота «Саодат қувнаб-қувнаб ишлайди» деб айтибди.

Яқинда «Бўка» совхозида тунги йиғим-теримни кўрдим. Мария Ковалева бошқа бўлимда пахта тераётган ва эртага ўзининг даласига ўтиши керак эди. «Афсус, — деди бошқарувчи. Йўқ, механизаторлар етиб-ортади, яхши механизаторлар. «Фақат Мария опа қувнаб-қувнаб теради». Баҳо беришдаги бундай ўхшашликдан ҳайрон қолдим. Балки, бу ибора мақтовнинг қандайдир бир миллий формаси бўлса керак, деб ўйладим.

Район партия комитетининг секретари Маҳмуджон Аҳмаджонов бу саволга шундай жавоб қилди:

— Мен русча бир китобда «Болта янграб овоз чиқарарди» деган сўзларни ўқиганман. Демак, дурадгор юракдан ишлаган бўлиб чиқади. Кўрдингизми, яна бир ўхшашлик, гарчи бу пахтамиздан узоқ бўлса ҳам. Гап бу ерда географияда эмас...»

Ҳаммаси тўғри. Қора кўзлар, нилий кўзлар, кўкимтир кўзларда олтин-олтинлигича қолаверади. Бундан ҳам қимматли бойлик ҳақида сўз бўлиши мумкинми.

Виктор БЕЛОУСОВ.

Тошкент область, Бўка райони.

(«Правда», 27 ноябрь).

«МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тикиш цехининг ишчиси М. Орипова 20 йилдан бери шу ерда самарали меҳнат қилмоқда. «Ҳурмат белгиси» ордени ва қатор медаллар билан мукофотланган М. Орипова цехнинг илғор тикувчиси ва кўпгина ёшларнинг мураббийси ҳамдир. Суратларда: (юқорида) М. Орипова ва (пастда) унинг шогирдларидан бири, ҳозирда комсомол ёшлар бригадасининг бошлиғи Ш. Султонова.

Ж. Тўраев фотолари.

ХУШХАБАРЛАР

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида илғор тажрибалар мактаби иш бошлади. Қурилиш ишларида кичик механизация воситаларини қўллаш соҳасида яратилган методларни кенг оммалаштириш ва мазкур соҳалараро республика мактаби дастлабки тадбирларни амалга оширди.

Машғулотлар етакчи мутахассис-қурувчилар томонидан олиб борилмоқда. Шунингдек, қардош республикалардан келган биноқор инженерлар ҳам ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Бундай марказ Тошкентдаги илмий-техника ахборотий ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар институти ташаббуси билан ташкил қилинди.

«ДЎСТЛИК» БОҒИНИНГ ДАСТЛАБКИ ҲОСИЛИ

СОВЕТ Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигининг 50 йиллиги шарафига ўтказилган шанбаликда «Қибрай» совхозининг 4-бўлимида «Дўстлик» боғи барпо этилган эди.

1973—1974 йилларда боғ кенгайтирилиб, унинг майдони 200 гектарга етказилди. Бу йил дастлабки ўтказилган кўчатлар вояга етди ва ҳосилга кирди. Яқинда бўлим соҳибкорлари охирги бир неча туп кечки олма ҳосилини ҳам йиғиштириб олиб, давлатга топширдилар. «Дўстлик» боғининг дастлабки ҳосили салкам 13 тоннага етди.

Маҳаммадкарим Турсунбоев, Раҳим Пиримқулов ва Абдукарим Дуйсеғбоевлар бошлиқ бригадаларнинг ишчилари кўчатлари ҳам меҳр билан парвариш қилмоқдалар.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ.

Оржоникидзе райони.

ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

ТОШКЕНТ политехника институти холодильниклар ва компрессор машиналари ҳамда ускуналари кафедраси олимлари билан Куйбишев район райпишчеторги ходимлари ҳамкорликда янги қурилма ўрнатдилар. Райпишчеторг базаси омбор хўжалиги қайта реконструкция қилинди. Бирйўла 600 тонна маҳсулот сақланадиган улкан холодильник ишга туширилди.

Холодильник катталиги жиҳатдан ҳам, ишлаш технологияси жиҳатдан ҳам кўпчиликка маъқул тушди. Холодильникнинг совутиш ускуналари эндиликда икки босқичда ишлайди. Бунинг натижасида сарф бўладиган электр энергиянинг салкам 30 процентини иқтисод қилиш имконияти яратилди.

▲ ИХТИСОСЛАШГАН ЧОРВАЧИЛИҚ КОМПЛЕКСЛАРИ ▲ ИЛҒОР ТАЖРИБА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЯВЕРСИН ▲ КОЛХОЗ НАЗОРАТЧИЛАРИНИНГ КАТТА ҲИССАСИ ▲ ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАН ХАТЛАР

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № 165

ҚИШЛОВ—СИНОВ

Кейинги вақтларда чорва молларини саноат негизида ихтисослаштириш ва комплекс механизациялаштириш чорва туёғини кўпайтириш, қиш фаслида ҳам катта тадбирларни амалга оширишга яшил йўл очиб бермоқда. Райондаги «Ўзбекистон ЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплексида 10 минг бош қорамол боқилмоқда. «Ғаллақудуқ» совхози базасида 108 минг бошга мўлжалланган йирик чўчқачилик саноат комплексини ишга тушириш арафасида турибмиз. «Олмалиқ» совхозида ихтисослаштирилган бузоқ боқиш фермаси ташкил этилди. Фан ва техника ютуқлари асосида қурилган фермада бузоқлар кунига 750—900 граммдан семирмоқда.

Умуман, районимизда йирик саноат комплекслари кўпайиб бормоқда. Бу қишга тайёргарликни янада кучайтиришни талаб этди. Айниқса, чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири бўлган ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу йил пландаги 50142 тонна ўрнига 71636 тоннадан ортиқ дағал хашак жамғарилди. Шунингдек, кўрсатилганидан 3 минг тоннадан ортиқ макка силоси бостирилди, кўзда тўпланганидан бир мунча кўп витаминли беда уни тайёрланди. Ўтган йили қишлов учун ҳар бош қорамолга 7,2 центнер озуқа бирлиги тўғри келган бўлса, бу йил 13,6 центнердан озуқа бирлиги тўпланди.

Мавжуд чорвачилик бинолари сифатли ремонтдан чиқарилди. Ем-хашак чорва фермаларига, қўйчилик қўраларига етказилган. Тайёрланган дағал-хашак фақат майдаланган ҳолда молларга берилмоқда. Озуқа тайёрлаш цехлари техника билан қуроллантирилди. Айниқса «Ғаллақудуқ», Тошкент от заводи, «Ангрен», «Оҳангарон» совхозларида бу борада намунали тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқ назоратчилари чорвадорларнинг кундалик ишларини қатъий назорат остига олмоқда. Ем-хашакнинг сақланиши, ва ундан, тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича тез-тез рейд ва текширишлар ўтказилмоқда. Район халқ контроли комитетида бу ишни яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган. Уларнинг бажарилиши текшириб борилаяпти.

Лекин ҳамма хўжаликларда ҳам қишга пухта тайёргарлик кўрилди деб бўлмайди. Баъзи жойларда зооветеринария қоидаларига тўла риоя қилинмаяпти. Айрим хўжаликларда ем-хашак қишлов жойларига тўла келтирилмаган. Шунингдек, сақлаш ҳам талаб даражасида бўлмаяпти. Ҳатто баъзи фермалар шу вақтгача етарли ёқилғи билан таъминланмаган.

Биз бу каби камчиликларни яқинда ўтказилган рейд текшириш ва кўрикларда аниқладик. Уларнинг натижалари муҳокама этилди. Айбдорларга нисбатан жазолар берилди. Камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Назоратчилар қабул қилинган қарорлар устидан қатъий назорат ўрнатишган. Шу билан бирга қиш даври учун тузилган перспектив план асосида иш олиб бормоқдалар. Мақсадимиз, синовдан муваффақиятли ўтиш ҳамда элни кўп ва сифатли гўшт билан таъминлаш.

С. МЕДЕШЕВ,
Оҳангарон район халқ контроли комитетининг раиси.

ҲАММА СОҲА ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

Йил бошида янгийўлликлар қолоқларсиз ишлайлиқ, деган ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Шаҳар халқ контроли комитети ана шу ташаббусни янада кенг ёйиш, барча имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу йилнинг ўтган даври ичида 70 дан ортиқ рейд, текшириш ва кўриклар ўтказилди. Шундан салкам 30 таси халқ контроли комитети йиғилишида кўриб чиқилди. Бир қисми эса партия ва совет органлари, коллективларнинг умумий йиғилишларида муҳокама этилди. Амалга оширилган тадбирларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигининг ўсишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига олиб келмоқда.

Шаҳар саноатчилари ўтган ойларда пландан ташқари салкам 6 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилдилар. Бу ютуқда назоратчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Айниқса пахта тозалаш заводи, кондитер-ачитқи бирлашмаси, пойафзал фабрикаси ва бошқа шу каби корхоналарнинг халқ назоратчилари самарали меҳнат қилмоқдалар.

Назоратчилар яқинда 19-автотранспорт конторасидаги ишларни ҳар томонлама текширдилар. Рейд натижалари шаҳар комитетида муҳокама қилинди. Айбдор кишиларга нисбатан чоралар кўрилди. Эндиликда автотранспорт корхонаси коллективи кўпгина кўрсаткичлар бўйича планларни ошиғи билан бажармоқда.

Кондитер-ачитқи бирлашмасида иш вақтидан унумли фойдаланиш намунали йўлга қўйилган. Шаҳар халқ контроли комитети уларнинг бу тажрибаларини кенг ёймоқда. Умуман шаҳар халқ контроли комитети ҳар бир группанинг иши билан яқиндан танишиб бормоқда. Яхши томонларни ривожлантириб, камчиликларни тузатишга ёрдам бераяпти.

Меҳнаткашлар хатлари билан ишлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Уларнинг натижалари оммага етказиб борилмоқда.

Меҳнаткашлардан тушган ҳар бир хат, шикоят алоҳида дафтарда рўйхатдан ўтказилади. Уларни текширишда штатсиз бўлим инспекторлари, халқ хўжалиги мутахассислари, партия, совет, жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этишади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, штатсиз бўлимлар группа ва постлар билан яқиндан алоқа боғлашган. Халқ контроли комитети аъзолари ва штатсиз активлари маълум группа ва постларга бириктирилган. Улар жойларда бўлиб, назоратчиларга йўл-йўриқлар кўрсатишади, халқ контроли ишининг форма ва методларидан кенг фойдаланишга ундашади. Бу эса ҳар бир халқ контроли группаси ва постларининг фаолиятини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Шаҳар халқ контроли комитети, группа ва постлар фаолиятида баъзи бир камчиликлар ҳам бор. Жумладан, шаҳар комитети маҳсулот таннархини арзонлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусан қурилиш объектларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш масалалари билан талаб даражасида шуғулланмаяпти. Баъзи бир группа ва пост аъзолари энг муҳим масалалар қолиб, иккинчи даражали ишлар билан овора бўлиб қолишади. Масалан, колбаса заводи, 2503-автоколонна назоратчилари ишлаб чиқариш масалалари билан кам шуғулланишади. Айрим назоратчилар ойлаб рейд ва текширишларда қатнашишмайди.

Баъзи халқ назорати группаларида рейд, текширишлар ишчанлик, талабчанлик руҳида олиб борилмайди. Камчиликларни тугатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича конкрет таклифлар киритишмайди. Шунингдек, қабул қилинган қарор устидан қатъий назорат ўрнатилмайди. Кейинги вақтларда негадир биохимия заводи халқ назоратчиларининг фаолияти нисбатан сусайиб кетди. Планда кўрсатилган текширишлар ўз вақтида ўтказилмайди. Шу каби камчиликларни бошқа жойларда ҳам кўриш мумкин.

Шаҳар халқ контроли комитетида группа раисларининг ҳисоботлари тез-тез эшитиб турилмайди. Бу эса ишнинг маълум даражада пассив боришига сабаб бўлмоқда. Халқ контроли комитети ана шу камчиликларни ҳисобга олиб, барча халқ контроли группалари раисларининг малакаларини ошириш учун янада активроқ курашиши, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиши лозим.

Қ. СОЛИХОВ,
область халқ контроли комитети ташкилий бўлимининг мудири.

Ҳалима Бекбоева пойтахтдаги «Учқун» галантерея фирмасининг 1-филиалида меҳнат қилади. Бу илғор тўқувчи ҳозирги кунларда 1978 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ҳалима ўз устида тинмай ишлаши, тажрибали, моҳир меҳнат ветеранларидан тўқув сирларини пухта ўзлаштириб олганлиги, амалий ишни назарий билим билан қўшиб олиб бориши эвазига мана шундай улкан муваффақиятларни қўлга киритяпти. Шунингдек, у тайёрлаётган маҳсулотларнинг барчаси юқори сифат билан қабул қилинмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхозининг азамат пахтакорлари бу йил катта хирмон яратдилар. Айрим бригадаларда ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 50 центнердан ошиб кетди. Бу, албатта, самарали меҳнат натижасидир. Ҳозир хўжаликда келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик қизитиб юборилган. Тракторлар наъраси далалар узра ҳукмронлик қилмоқда. Бригадаларда ер шаронтига қараб маҳаллий ва маданий ўғит сочиб чуқур шудгор қилиняпти.

Халқ назоратчилари эса ерни ўғит билан озиқлантириб, сифатли ҳайдалишини дамба-дам текшириб туришибди. Рейд ва текширишларда аниқланган қамчиликлар ни тезда тугатиш учун курашмоқдалар. Хўжаликнинг 11-бригадаси халқ назорати пости аъзолари бу борада айниқса активлик кўрсатишмоқда.

Суратда: 11-бригада ерларини шудгорлаш вақти.

А. Абалян фотоси.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ОШКОРАЛИК УЧУН

Область халқ контроли комитети ўз йиғилишларида шаҳар ва район халқ контроли комитетларининг фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб бораяпти. Энг яхши тажрибалар оммалаштирилаяпти, камчиликларни тугатиш йўллари кўрсатилмоқда. Бу галги йиғилишда Бекобод шаҳар ва Бўка район халқ контроли комитетларининг назоратнинг ошкоралиги учун қандай курашаётганликлари атрофлича анализ қилинди.

Бекобод шаҳар ва Бўка район халқ контроли комитетлари партия органларининг раҳбарлигида назоратнинг ошкоралигини таъминлаш бўйича кўлгина тадбирларни амалга ошираяпти. Оммавий рейд, текшириш ва кўриклар ўтказиш одат тусига кириб қолган.

Бекобод шаҳрида ёнилғи-энергетика ресурслари ва нефть маҳсулотларидан тежаб-тергаб фойдаланиш масалаларига бағишланган кўрикда ошкоралик ҳақиқатан ўз аксини топди. Натижалар матбуот, радио орқали кенг ёритиб борилди. Темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинатида текшириш ва рейд натижалари халқ контроли экранида ва варақаларда оператив кўрсатиб борилади.

Цемент комбинатида ўтказилган кўрикда кўпдан-кўп резервлар аниқланди, ҳатто 7 та рационализаторлик таклифи ҳам тушди. Бу эса ўз навбатида 200 тоннага яқин шартли ёнилғи, 2,5 миллион киловатт-соат электр энергияни тежаш имконини берди.

Бекобод шаҳар халқ контроли комитети ҳузурида тўққиз кишидан иборат назоратнинг ошкоралигини таъминловчи штатсиз бўлими ташкил этилди. Халқ контроли комитетида семинарлар, йиғилишлар ўтказиб турилади.

Бўка район халқ контроли комитети «Пахтакорлар овози» газетаси, деворий газета ва варақалар орқали назоратнинг ошкоралигини таъминламоқда. Мақолаларда илғор тажрибалар пропаганда қилинади, энг яхши назоратчилар ҳақида материаллар берилади. Жойларда чиқариладиган «Муштум», «Ташвишли сигналлар», «Тартиббузарлар жавоб беради», «Молния» варақалари группаларнинг фаолиятини кенг акс эттирмоқда.

Йиғилишда Бекобод шаҳар ва Бўка район халқ контроли комитетларининг назоратнинг ошкоралигини таъминлаш йўлидаги тажрибалари маъқулланди. Шу билан бирга баъзи камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва уларни тезда тугатиш вазифаси юкланди.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Область маҳаллий саноат ишлаб чиқариш бошқармаси ўтган беш йиллик планни тўрт йил-у тўққиз ойда бажариб, пландан ташқари 6,9 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга муваффақ бўлди.

КПСС XXV съезди қарорлари асосида ўнинчи беш йилликда саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2—2,1 баравар га ошириш мўлжалланмоқда. Шу билан бир қаторда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, халқнинг кенг истеъмол молларига бўлган талабини қондириш йўлида қатор техникавий ишларни бажариш лозим. Аммо маҳаллий саноат ишлаб чиқариш бошқармаси ишлаб чиқаришни янги техника билан қуроллантириш, мавжуд қувватларни реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш соҳасида етарли даражада иш олиб бормаяпти. Унинчи беш йилликнинг дастлабки йили учун янги техника ва илғор технологияни жорий этиш плани тасдиқ этилган. Ўтган уч квартал ва бу план бор йўғи 60,7 процент бажарилди.

Олмазор қурилиш материаллари комбинати, Товоқсой рўзғор химияси фабрикаси, Олмалиқ тикувчилик фабрикаси каби корхоналарда янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш режалари суст амалга оширилмоқда. Калинин районидаги хўжалик рўзғор буюмлари фабрикасида қўл меҳнати 58,5 процентни ташкил этаётгани бу ерда ҳам техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун курашилмаётганини билдиради. Бу каби аҳволни область маҳаллий саноат ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли бошқа корхоналарда ҳам кўриш мумкин.

Область халқ контроли комитетида область маҳаллий саноат ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарларига ана шу камчиликларни тузатиш ва натижасини маълум қилишни топширилди.

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ҚАРОРЛАР

Областимиз колхоз ва совхозларини газлаштириш ва «зангори ёнилғи»дан самарали фойдаланиш соҳасида партия ва ҳукуматимиз қабул қилган қарорлар жойларда қандай бажарилаяпти! Область назоратчилари яқинда шуни текшириб чиқдилар.

Ўтган беш йиллик бўйича газ билан таъминлаш ва газлаштириш бўйича область ишлаб чиқариш бирлашмаси 276 километрлик газ шохобчалари тортиши лозим эди. Амалда эса 217 километрлик иш бажарилди. Бекободда иккита, Калинин районида битта эксплуатация базаси қуриш планлаштирилгани ҳолда Бекободда биттагина бундай база қурилди. Калинин райони марказида бунёд этилиши керак бўлган базага ҳамон қўл урилганича йўқ. Унинчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам газ шохобчалари қуришга етарли эътибор берилмаяпти.

Область бирлашмаси газ ускуналарини эксплуатация қилиш, қишлоқ жойларда аҳолини газ билан таъминлаш хизматини қониқарсиз бажармоқда. Район ижроия комитетлари билан келишилган графикларга риоя қилинмаяпти. План бўйича 120 колхоз ва 71 совхозга хизмат қилиниши кўзда тутилгани ҳолда фақатгина 56 колхоз ва 25 совхоз газ билан таъминланаяпти.

Колхоз ва совхозларда ташкил этилган ишлаб чиқариш участкалари кам қувватли. Эҳтиёт қисмлар, шунингдек транспорт билан етарли таъминланмаган. Абонентларнинг буюртмалари ўз вақтида бажарилмайди. Масалан, Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз аъзоларидан бир группаси ўтган йилнинг июнь ойида буюртма берган бўлсалар шу вақтгача бажарилмаган. Шунингдек Тошкент районидаги Абдурахмонов номли совхозда ҳам аҳолини газ билан таъминлаш масаласи ўлда-жўлда қолмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бир қатор колхоз ва совхоз раҳбарлари район газ ташкилотларини автотранспорт билан таъминламаяпти. Область бирлашмаси жойларда текширишлар ўтказмайди, камчиликларни ўз вақтида тугатиш учун курашмайди.

Область халқ контроли комитети йиғилишида иш устидан қатъий назорат ўрнатмаганликлари, камчиликларни тугатиш учун лозим бўлган тадбирларни амалга оширмаётганликлари учун бирлашма бошлиғи Раҳимов ва бирлашма бош инженери Пешков ўртоқлар огоҳлантирилди.

НАЗОРАТЧИЛАР НАМУНАСИ

Бу йил куз анча серёғин келиб, дала ишларини қийинлаштириб қўйди. Табиатнинг бу инжиқликлари терим суръатига бир қадар таъсир этди. Бир кўзимиз кўкда бўлса, бир кўзимиз далада бўлди. Бутун эътибор об-ҳавонинг қулай келган ҳар бир дақиқасидан фойдаланиб, барча ҳосилни йиғиштириб олишга қаратилди.

Хўжалигимизда мавжуд олти кўрак йиғиш машинаси, ўнта кўрак чувиш машинаси бор. Биз уларни тўла ишга солиш учун ҳаракат қилдик. Йиғиб олинган ҳосилни марказлашган ҳолда қуритиб, пахта пунктларига топширдик.

Хўжалигимиз коллективи 15 иш кунида давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини районда биринчи бўлиб бажарди. Бу албатта, пахта йиғим-теримига намунали тайёргарлик кўрилганлигининг исботидир. Мавсум олдидан 11 та бригадада қўшимча постлар тузилди. Техника кўриклари ўтказилди. Дала шийполарининг йиғим-терим кампаниясига тайёргарлиги текшириб чиқилди.

Терим кампанияси даврида назоратчилар кеча-кундуз тинним билишмади. Машиналарнинг тўла унум билан ишлаши, ёнилғи материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, пахта нобудгарчилигига қарши кураш ва бошқа шу каби муҳим масалалар диққат-эътиборда бўлди.

Бир неча бор «зангори кема»ларнинг сменали ишлашини текширдик. Терим машиналари ҳайдовчиларининг малакалари ҳар хил. Механик ҳайдовчилар орасида биринчи бор «зангори кема» рулига ўтирган ёшлар ҳам бор эди. Ана шу ёшлар машина узелларини яхши созлай олмаётганликлари, териш пайтида айрим камчиликларга йўл қўяётганликлари маълум бўлди. Шундан кейин колхоз правленияси ва партия ташкилоти олдига слесарлар бригадаларини ташкил қилиб, машиналар ишлаётган жойларга юбориш таклифини қўйдик. Бу ташаббусимиз пахтани тез ва соз теришда муҳим аҳамият касб этди.

Пахта нобудгарчилигига қарши кураш бутун мавсум давомида энг муҳим вазифалардан бирига айланди. 9, 10-бригадаларни текширганимизда, пахта нобудгарчилигига йўл қўйилаётганлигини аниқладик. Пахта ортилган тележкаларнинг усти яхши ёпилмаслиги туфайли йўлда ҳосилнинг бир қисми тўкилаётгани маълум бўлди. Рейд натижаси ана шу бригадаларнинг умумий йиғилишида муҳокама этилди.

Йил давомида 21 марта рейд ва текширишлар ўтказдик. Рейд якунлари правление ва партия ташкилоти йиғилишларида муҳокама этилди. Айбдор кишиларга нисбатан чоралар кўрилди. Бу тадбир камчиликларни тез бартараф қилишга ёрдам берди. Бу ишларнинг ҳаммаси деворий газета, турли варақаларда ёритиб борилди. Бундай варақалар ҳосилнинг сўнгги граммини ҳам нобуд қилмай, йиғиштириб олиш учун кураш кетаётган ҳозирги кунларда ҳам чиқарилмоқда.

Ҳосили тамомила териб олинган карталарни ҳайдаб, келаси йилга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу тадбир қуйидагича амалга оширилади: картадаги ҳосил тоза териб олингач, халқ назорати пости аъзолари далани яна бир бор текширадилар. Ҳосил тоза териб олинган бўлса, халқ назоратчилари актга қўл қўйишади. Шундан кейингина, ерни ҳайдашга рухсат берилади.

Хўжалигимиз коллективи ўничи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳар гектар ердан 29,2 центнердан ҳосил кўтаришлари лозим бўлса, ҳозирда 38 центнердан орттириб «оқ олтин» хирмонини яратдик. Ҳар бир машинада 154 тоннадан пахта йиғиб олинди. Умумий ҳосилнинг 85 проценти «зангори кема» бункерларидан тўкилди. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда назоратчиларнинг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса Ф. Мусаев, Т. Қаршибоев, А. Сайфиев, А. Абдуллаев ва бошқа назоратчилар мавсум даврида ҳаммага намуна бўлдилар.

К. ИСЛОМОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз халқ контроли группасининг раиси.

ШИКОЯТЛАРГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Назоратчилар тушган шикоятларнинг ҳаммасини эринмасдан бир-бир санаб чиқдилар. 1975 ва 1976 йилнинг ўтган ойларида область давлат савдо ташкилотларига меҳнаткашлардан 300 га яқин шикоят ва ариза тушибди. 1050 дан ортиқ киши эса савдо ташкилотлари раҳбарларидан шахсан қабул қилишларини сўрашибди.

Ёзма шикоятлардаги арзларга ва раҳбарлар қабулхонасида бўлган суҳбатларга энди бир қулоқ солинг. Шикоятчиларнинг аксарияти совет савдо қоидаларининг бузилаётганлиги, таомларнинг бемаза тайёрланаётганлиги, савдо ходимларининг қўполлиги, зарур молларнинг камлигидан нолиб гапиришарди.

— Сизнинг вақтингизни олмай шу фикрларимизни магазин ва ошхоналардаги таклифлар ва шикоятлар дафтарига ёзиб қолдирсак ҳам бўларди,— дейди қабулда ўтирган шикоятчилардан бири. Лекин дафтарни топиш амри маҳол. Бизни мақтаб ёзсангиз топиб берамиз, дейишади у ердаги ходимларингиз.

Шикоятлар ёмғирдек ёғилавергандан сўнг область савдо бошқармаси раҳбарлари жойлардаги аҳволни шоша-пиша текширишга киришишди. Олмалиқ шаҳар савдосида баҳо ва савдо қоидаларига риоя қилиш устидан назорат қилувчи махсус комиссия тузилган. Бу комиссиянинг 21 аъзоси бор. Улар ўтган йили 37 марта текшириш ўтказишди. Шу текширишнинг атиги учтасида савдо қоидалари бузилганлиги қайд этилди. Умумий овқатланиш трестида ҳам 130 га яқин текшириш ўтказилиб, ўн бир кишининг қоида бузганлиги аниқланди.

Чирчиқ шаҳар савдосида ҳам текширувчилар оз эмас. Улар ўтган йили гайрат қилиб, салкам 400 та текширув ўтказишди. Шундан 6 тасида савдо қоидалари бузилган, деб акт тузишди. Шаҳар савдосидаги баҳолар бўйича экономист ҳам ўз йўли билан 354 та текширув ўтказиб, атиги икки марта қоида бузилганлигини аниқлади холос.

Область савдо бошқармасидан келган нуфузли кишилар бу фактларни кўриб, олдининга хурсанд бўлишди. Демак қоидабузарлар кам қолаяпти. Кейин яна ўйлаб қолишди. Қоидабузарлар кам бўлса, шунча шикоят кимларнинг устидан тушаяпти? Ёки текширувлар хўжа кўрсинга ўтказилаётганмикин?

Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Текширувлар юзаки бўлаётганлиги учун ҳам асосий нуқсонлар эътибордан четда қолаяпти. Магазин пештахталарига сифатли моллар билан бирга сифатсиз, бракка чиқарилиши лозим бўлган баъзи бир буюмлар ҳам тахлаб қўйилаяпти. Область савдо бошқармаси совети кейинги уч йил ичида савдо инспекторлари, баҳо бўйича экономистлар, браковкачи товароведлар иши билан бирон марта ҳам қизиқиб кўрмади. Юқоридан текширув кам бўлгандан кейин пештахта орқасида турган айрим қўли эгри сотувчилар ўз билгиларича иш юритавердилар. Тушган шикоятларга парво ҳам қилмадилар.

Область халқ контроли комитети область савдо бошқармаси ва унинг ташкилотларида меҳнаткашлардан тушаётган шикоят ва аризалар билан ишлашнинг аҳволини синчиклаб ўрганиб чиқди. Бошқарма раҳбарларига хат ва шикоятлар билан ишлаш қониқарсиз аҳволда эканлиги, ўқтирилди ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари халқ контроли группаларига тушаётган шикоятларни ўз вақтида ўрганиб, йўл қўйилаётган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш вазифаси топширилди.

Д. НАСРИДДИНОВ,
назоратчи.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ 50 ЕШДА

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЙДИН САҲИФАЛАРИ

СЕРҚУЕШ республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг биринчи йилида она-Ватанга 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» армуғон этган шу қутлуғ дамларда биз ЯНГИЙЎЛ райони ташкил этилганлигининг эллик йиллигини қалбларимиз шоду-хуррамликка тўлган ҳолда нишонламоқдамиз. Шу тантанали дамларда районимиз меҳнаткашлари ўзлари босиб ўтган шонли йўлга мамнун боқмоқдалар, ярим аср давомида эришилган улкан муваффақиятларга яқин ясамоқдалар, социал-иқтисодий тараққиётнинг ёркин йўлларини белгилаб олмоқдалар.

Ўлкамиз Октябрь нуридан нурафшон бўлиб, халқимиз бахтли ҳаёт сари дастлабки қадамларни ташлаган тарихий кунларда Янгийўл райони ташкил этилган эди. Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатган оталарча ёрдами ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ғамхўрлиги туфайли тарихан қисқа вақт ичида районимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳозир барча хўжаликлар замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан қуролланган. Минглаб тракторлар ва машиналар деҳкон хизматида. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, химиялаштириш ва мелиорациялаш даражаси ўсган сари ҳар гектар суғориладиган ердан олинадиган ғалла ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Эндиликда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари рентабеллидир. Тушаётган фойданинг катта қисми меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини оширишга, замонавий посёлкалар яратишга, болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар қуришга сарфланмоқда.

Шу ойёмда биз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган, пахтачиликни юксалтиришда карвонбошилик қилган, эл дастўрхонини нозне ъматларга тўкин қилган устозлар номини эўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Ишлаб чиқариш илғорларидан йигирмадан ортиқ киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган. Неча юзлаб пахтакорлар, чорвадорлар, соҳибкорлар ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланган. Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдулла Ортиқов, Убайдулла Мусаев, Олим Кўчқоров, Назарали Ниёзов, Абдумалик Шераҳмедов, таниқли партия ва давлат арбобларидан Усмон Юсупов, Ҳакимбой Эшов, Қосимбек Саидбеков ва бошқа ҳамкишлоқларимиз ҳаёти биз учун ибратдир. Улар таълимини олган ҳамда бошлаб берган улуғ ишларини эўр эътиқод билан давом эттираётган ҳозирги авлод вакиллари Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Маҳмуд Исматов, Фозил Мадалиев, Раимберди Йўлдошев, Мадамин Мараҳимов ва бошқа донгдорлар билан биз ҳамиша фахрланамиз.

Янгийўл райони меҳнаткашлари пахтачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Шу йилнинг ўзида биз беполён пахтазорлардан 37 минг тонна ҳосилни йиғиб олиб, она-Ватанга армуғон этдик. Шу жумладан 6 минг тонна «оқ олтин» социалистик мажбурият ҳисобига топширилди. Бу муваффақиятга биз ҳосилдорликни ошириш туфайли эришдик. Агарда 1926 йилда ҳосилдорлик гектар бошига 14 центнерни ташкил этган бўлса, бу йил 36 центнердан ошиб кетди. Пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида ҳам катта қадам ташланди. Ҳозир 1400 дан ортиқ механизатор техникани ўз измига олган.

Районда пахтачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам кенг қулоч ёзиб ривожланмоқда. Ярим аср мобайнида ғалла тайёрлаш ҳажми олти марта кўпайди. Полиз маҳсулотлари етиштириш 17 марта, гўшт топшириш салкам 12 марта, сут соғиб олиш 8 марта, тухум тайёрлаш 16 марта ўсди.

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йилда бўлиб ўтган март ва май Пленумлари қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муҳим бурилиш ясади. КПСС Марказий Комитети пленумлари ва партиямиз съездлари қарорлари асосида колхоз-совхозларнинг моддий ишлаб чиқариш базаси йил сайин мустаҳкамланиб борди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, кенг адрларга сув чиқарилиб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди.

Районимиз юбилейи нишонланадиган йилда халқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан муваффақиятлар қўлга киритилди. Пахтакорларимиз 9 октябрдаёқ давлатга «оқ олтин» сотиш юзасидан олинган халқ хўжалиги планини республикада учинчи бўлиб бажардилар. «Коммунизм», «Ленинизм», Ленин номли, Н. Ниёзов номли колхозларнинг уста пахтакорлари ҳосилдорликни 45—50 центнерга етказиб, район меҳнаткашлари эришган ютуққа айниқса катта ҳисса қўшдилар. Бу йил пахта териш ва тайёрлаш суръатини оширишда биз бой тажриба тўпладик. Бутун ресурслар ишга солиниб, кўплаб «оқ олтин» йиғиб-териб олинди. Бунда терим техникаси асосий роль ўйнади. Механизаторлар ҳосилнинг 16600 тоннасини пўлат этаклардан тўкдилар.

Янги ҳосилдан тайёрланган толаларни 13 та мамлакатга экспорт қилмоқдамиз. Консерва ва вино заводларимиз тайёрлаётган маҳсулотлар ҳам жаҳон узра шуҳрат қозонган. Биргина Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси йил сайин 30—35 минг тонна мева, узум ва сабзавот етиштиряпти. Бу маҳсулотларнинг катта қисми мамлакатимизнинг марказий саноат шаҳарларига дўстлик рамзи сифатида етказиб берилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қатори саноатчилар ҳам ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун бошланган курашда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўн ойлик план барча корхоналарда муваффақиятли адо этилди. Планга қўшимча равишда салкам 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ҳозирги кунда 1200 дан ортиқ ишчи беш йиллиқни уч-тўрт йилда бажариш учун курашга отланган. Кўплаб коллективлар қолоқларсиз ишлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Районимиз маданий ҳаётида ярим аср мобайнида туб ўзгаришлар рўй берди. 1930 йилгача бизда атиги 2 та мактаб бор эди. Уларда 42 ўқувчи ўқирди холос. Эндиликда 2 та ўрта махсус ўқув юрти, 54 та умумтаълим мактаби ишлаб турипти. Кадрларимиз илм-фанни, ишлаб чиқаришни юксалтиришга ҳисса қўшмоқдалар. САИМЭ олимлари пахтачиликда қўлланиладиган машиналар технологияси ва системасини такомиллаштириш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Улар жорий этган икки ярусли шудгорлаш технологияси ҳосилдорликни гектар бошига икки-уч центнер оширмоқда, чигитнинг униб чиқишини тезлаштирмоқда. Кейинги беш йил ичида олимларимиз 29 та янгиликни жорий этиб, халқ хўжалигига 7 миллион сўмлик фойда келтирдилар.

САМИС коллективи бажараётган ишлар ҳам пахтакорлар оғзига тушаяпти. Бу ерда янги машиналар синовдан ўтиб ҳаётга йўлланма олаяпти. Станция ходимлари ҳар йили 100 хил машинани қўлдан ўтказмоқдалар. Бу ерда пахтачилик билан шуғулланувчи механизаторларнинг семинарлари мунтазам ўтиб турипти. Уларда янги техникадан фойдаланишнинг йўл-йўриқлари ўргатилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экономикасини ривожлантиришда, саноат, қурилиш ва транспортни юксалтиришда районимиз коммунистлари ҳамиша авангард бўлиб келмоқдалар. Ҳозир жойларда фаолият кўрсатаётган 115 та партия ташкилотига 3451 коммунист бирлашган. Ишлаб чиқаришни механизациялаш, ҳосилдорликни ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришда улар ташаббус кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг фидокорлиги, активлиги ва ташаббускорлиги билан районимизнинг иқтисодий қудрати янада юксалмоқда, маданий ҳаётда прогрессив ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозир районда 24 та клуб, 44 та кутубхона, 3 та музей, 2 та маданият уйи, 10 та халқ университети ишлаб турибди. Маданий оқартув тармоқлари КПСС XXV съезди қарорларини омма онгига сингдиришда катта роль ўйнамоқда.

Шу қутлуғ дамларда биз коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида эришилган улкан муваффақиятларни қайд этиш билан бирга, бундан буён асосий эътиборни бажарилиши лозим бўлган вазифаларга, резерврларни қидириб топиш ва ишга солишга, халқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантиришга қаратамиз. Бутун куч ва ғайратимизни КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди белгилаган улуғвор вазифаларни тўла тўкис амалга оширишга сафарбар этамиз.

А. АЛИМОВ,
Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари.



СУРАТДА: Янгийўл шаҳар марказининг умумий кўриниши.

А. Абалян фотоси

ЎЗБЕК ДАРВОЗИНИНГ ПАРВОЗИ

Кўни кеча машҳур дарвоз Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Тошкенбоев туғилган куннинг 60 йиллиги, ижодий фаолиятининг 50 йиллиги кенг нишонланди. Шундай унутилмас кун арафасда биз юбиляр ва унинг фарзандлари билан учрашдик.

...Муҳташам цирк биносидаги ҳоналардан бири Тошкенбоевларга ажратиб берилган. Хона деворларида дорбозлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи афиша ва турли суратлар осиғлиқ. Шу суратларнинг бирида таниқли дорбоз Тошкенбой Эгамбердиев тасвирланган. Обиджон ака суратга узоқ қараб қолди-да, отаси ҳақида ҳикоя бошлади:

— Дадамизга Тошкенбой деб исм қўйилишининг ҳам тарихи бор. Бундан юз йиллар чамаси муқаддам бобомиз, ҳали у пайтларда анча ёш йигит бўлган Эгамберди ҳожи дорбоз Тошкентга келиб қолади. У шаҳарнинг энг гавжум ерларига дор ўрнатиб ўйин кўрсатиб, машҳур Тошпўлат дорбоздан фотиҳа олади. Ўшанда у ўйнга Асакага қайтар экан, «Уйлансам ва ўғил кўрсам исмини албатта Тошкенбой деб қўяман», деб орзу қилган экан...

Ёш Эгамберди ўзининг бўлажак фарзанди ва невараларини уста дорбозлар бўлиб етишишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Ҳарқалай у фарзанди Тошкенбойда дорбозлик санъатига муҳаббат уйғотди. Уни машаққатли дорбозлик йўлига бошлади. Тошкенбой Эгамбердиев биринчи марта мустақил дорга чиққанида эндигина етти ёшда эди. Ўша пайтда дорбозлар гавжум ерларда ўйин кўрсатишар, ҳеч қандай цирк биноси йўқ эди. Кейинчалик Тошкенбой Эгамбердиев Октябрь революциясидан сўнг дорбозликни цирк санъатига олиб кирди. 1936 йилда Ленинград циркида ўғиллари, жиянлари билан катта миллий аттракцион тайёрлаб намойиш қилди.

— Ўша томоша ҳеч ёддимдан кўтарилмайди, ўзбек музикаси садолари остида миллий кийимда манежга чиқиб келганимизда томошабинлар узоқ қарсак чалиб туришди. Томоша тугагандан сўнг ҳам ленинградликлар бизни анчагача қўйиб юборишмади. Бир неча марта манежга чиқиб таъзим бажо келтирдик.

Шу томошадан сўнг дадамиз яна бир неча марта Москва ва Ленинградда манежга чиқди. Унинг цирк санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссалари 1939 йилда муносиб тақдирланди. Дадамизга РСФСР халқ артисти деган унвон ва Ленин ордени берилди.

Обиджон ака биринчи марта дорга чиққанида энди саккиз ёшга тўлган эди. Тошкентнинг Самарқанддарвозасида ўрнатилган дор ости томошабинлар билан тўлиб кетди. Саккиз ёшлик боланинг дордаги чаққон ҳаракатлари тўпланганларни эўр ҳаяжонга келтирди. Бу унинг цирк санъати йўлидаги дастлабки қадами эди.

— Уруш даврида ҳам биз дорбозлар кўп ерларда бўлдик. Фронтларга борар, госпиталларда ярадор жангчиларга томошалар кўрсатар эдик.

Урушдан сўнгги йилларда дорбозлар сулоласига янги авлод келиб қўшилди. Кўпгина цирк мухлислари ҳалиҳалигача кичкинтой Доно, Мамлакат, Олимжонларнинг «қил кўприк» устидаги қалтис ҳаракатларини, ёш бўлса ҳам, довюрак болаларнинг дор устида намойиш қилган санъатини эслаб юрадилар. Энди улар дорбозлик санъатининг чинакам усталари бўлиб етишдилар. Олимжон ва Донохонлар ҳали ҳам Обиджон ака билан бирга манежга чиқмоқда. Мамлакат янги программа тайёрлади. Дорбозлар оиласининг кенжатойлари Алишер ва Жумабойлар эса ҳозир Совет Армияси сафида хизмат қилишмоқда.

Биз Обиджон ака билан учрашган кунимиз уларнинг оиласида қувончга-қувоч қўшилиб кетган эди. Хизматда яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Алишер Тошкенбоев командирлик томонидан отпуска билан мукофотланди.

— Ўғлимни қаранг, юбилейимга етиб келибди-я, — қувонч билан гапирарди Обиджон ака.

Спортчиларга хос гавдали, солдат формасидаги Алишер ўзи хизмат қилаётган қисм ҳақида, қуролдошлари, уваси, командири ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ота эса ҳамон ўғлига боқиб тўймас эди. У катта фарзандлари Донохон ва Олимжонларнинг олдига бориб, нималарнидир уқтирар ва ўша заҳоти яна Алишернинг ёнига қайтиб, унинг елкасига қўлини қўйганча, «оббо ўғлим-э... етиб келибсан-да» дер эди.

...Томоша бошланишига саноқли дақиқалар қолганди. Тошкенбоевлар манежга чиқишга тайёргарлик кўра бошлашди. Орадан бир неча минут ўтгач эса уларнинг номери эълон қилинди. Томошабинлар яна бир зум сукутда қолдилар. Манежга бир-бирига жуда ўхшашиб кетадиган дорбозлар чиқиб келишди. Уларга Ўзбекистон халқ артисти, «Ҳурмат белгиси» ордени ва яна бир неча ҳукумат мукофотларининг соҳиби Обиджон Тошкенбоев бошчилик қилар эди.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Спорт

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

«Бинокор» хоккейчилари чемпионатнинг навбатдаги ўйинларини ўтган жума ва шанба куни ўз майдонларида Киевнинг «Сокол» командаси билан ўтказдилар. Биринчи ўйин ниҳоятда кескин ўтиб, 6:6 ҳисобида дуранг бўлиб тугади. Учрашувнинг учинчи бўлимида майдон эгалари ютқазиб туришган эди. Ўйинининг охирги минутида команда капитани Ю. Самохвалов киритган шайба мезбонларни мағлубиятдан қутқарди.

Эртаси кун бўлиб ўтган иккинчи ўйинда ҳам ғолиб аниқланмади. Ҳисоб 2:2. «Бинокор» 22 ўйиндан сўнг 18 очко тўплади.

БАСКЕТБОЛЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Москва яқинидаги Электросталь шаҳрида баскетбол бўйича олий лига командалари ўртасида ўтказилган биринчи тур ўйинлари ниҳоясига етди. Тошкент Давлат физкультура институти баскетболчилари беш учрашув ўтказиб, тўрттасида мағлубиятга учрадилар ва бир ўйинда ғолиб келдилар. Қолган етти команда ўртасидаги бахслар Пензада бўлди. Баскетболчилар иккинчи давра мусобақаларини Тошкентда, 18—25 декабрда ўтказадилар.

Тошкентнинг «Университет» баскетболчилари ўз майдонларида Рига нинг ВЭФ командаси билан иккита ўйин ўтказишди. Биринчи учрашувда 88:82 ҳисобида устун келган тошкентликлар иккинчи ўйинни 75:89 ҳисобида бой бердилар.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ШАҲРИМИЗДА давом этаётган кўчат экиш ойлигида Собир Раҳимов ва Октябрь район меҳнаткашлари айниқса ташаббус кўрсатмоқдалар. Районлардаги корхона ва муассасаларнинг ишчи-хизматчилари шанбалик ва якшанбаликларда актив иштирок этиб, Тошкентни янада ободонлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ойликнинг охирги ҳафтасида шаҳар кўчалари, аллея ва боғларида бир ярим миллиондан зиёд нав-ниҳол ўтказилади. Шуларнинг қариб ярим миллион тупи манзаралли дарахт кўчатларидир. Собир Раҳимов районидаги Аҳмад Дониш, Октябрь районидаги Уйғур кўчаларида, Ленин районидаги Г-37 массивида янги-янги ороМгоҳлар ташкил қилинмоқда. Ҳар бири икки гектар майдони эгаллайдиган бу боғларда ҳозир Янгийўл, Оржоникидзе районидаги хўжаликларда, Шредер номли узумчилик ва боғдорчилик институтида, Тошкент манзарали дарахтлар совхозида етиштирилган нав-ниҳоллар ўтказилмоқда. Шунингдек, шаҳримизни ободонлаштириш учун Фрунзе ва Наманган шаҳарларидан ҳам 100 мингдан зиёд гул ва дарахт кўчатлари келтирилди.

Янги ҳиёбонларни сув билан таъминлашга ҳам катта тайёргарлик кўриляпти. Салор, Кайковуз каналлари реконструкция қилинмоқда. Реконструкция каналлар сувини янги боғ-роғларга оқизиш имконини беради.

ЯНГИ БИНОЛАР

6-ҚУРИЛИШ трестнга қарашли 153-қурилиш бошқармаси бинокорлари яқинда Богдан Хмельницкий кўчасида 280 ўринли боғчани қўлдан чиқардилар. Кичкинтойларнинг қувноқ гурунги билан гавжумлашиб қолган янги болалар боғчаси бошқарма қурувчилари ҳар куни фойдаланишга топшираётган ўнлаб объектларнинг биридир.

Қурувчилар Беруний кўчасида ҳам кичкинтойларга совға тайёрлашди. Қариб 300 ўғил-қизни ўз бағрига олган боғчада болаларни тажрибали ва ғамхўр мураббиялар тарбиялашмоқда. Тошкент медицина институти массивида эса олти блокдан иборат каттежлар қуриб битказилди. Бундан ташқари массивда бўлажак шифокорлар учун 700 ўринли шифохона, олий ўқув юрти ходимлари учун янги тураржой бинолари қуриб битказилди.

Бошқарма қурувчилари шаҳардаги бошқа янги массивларда ҳам ҳар куни бир неча объектларни давлат қабул комиссиясига топширмоқда.

ДУНЁ ОВОЗИ
ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ҚАРОРЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

ВАРШАВА, 29 ноябрь. (ТАСС). Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети кенгашидаги Польша делегациясининг ҳисоботини муҳокама қилди.

ПБИП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Кенгашнинг декларациясини ва бошқа ҳароларини маъқуллади. ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси тўғрисидаги ахборотда Бухарестда бўлиб ўтган кенгаш Варшава шартномаси давлатларининг бирлигини ва жипслигини, қардош мамлакатлар партиялари ва ҳукуматлари Европада социалистик ҳамдўстлик хавфсизлиги ва тинчликнинг мустаҳкам таянчи мудофаа-сиёсий иттифоқини янада такомиллаштириш соҳасида ҳамкорлик қилишга қатъий бел боғлаганликлари таъкидланади.

Сиёсий маслаҳат комитетининг ҳужжатларида илгари сурилган ташаббуслар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи актидаги принциплар ва қарорларни изчиллик билан амалга оширишга, қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўли билан халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштиришга, қитъада тинч ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Польша Халқ Республикаси, дейилади ахборотда, Европада хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлашнинг кенгаш ҳужжатларида белгиланган программасини амалга ошириш йўлида СССР ҳамда Варшава шартномасидаги бошқа давлатлар билан бирга актив куч-ғайрат сарфлайди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПЕКИНГА КЕЛДИ

ПЕКИН, 29 ноябрь. (ТАСС). Чегара масалаларини ҳал этиш учун олиб бориладиган Совет-Хитой музокараларида қатнашувчи Совет ҳукумати делегациясининг бошлиғи, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев Пекинга келди.

Пекин аэродромида уни Хитой ҳукумати делегациясининг бошлиғи, ХХР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Юй Чжань кутиб олди.

ЗИЛЗИЛА ВА ТОШҚИНЛАР

ДЕҲЛИ. Кеча Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонда анча кучли зилзила бўлди. Сринагарда баъзи уйлар шикаст топди, шаҳар водопроводи қисман ишдан чиқди.

ИСЛОМОБОД. Кеча Равалпинди, Исломобод, Пешовар ва Покистоннинг бошқа шаҳарларида ўртача куч билан зилзила бўлди. Етказилган зарар ва курбонлар тўғрисида хабар олингани йўқ.

МАНИЛА. 27 ноябрь куни Филиппин пойтахти районида тўққиз баллик шкала бўйича уч балл кучда ер қимирлади. Зилзила маркази Маниладан 200 километр нарида.

ВАШИНГТОН. АҚШ гелогия бошқармасининг маълум қилишича, бу йил бутун дунёда 50 га яқин кучли зилзила бўлди. Уларда силкиниш кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,5 баллдан ошди.

Бошқарма шулардан 12 тасини кучли (7 баллдан 7,9 баллгача) зилзилалар категориясига ва учтасини жуда қаттиқ (8 баллдан ошиқ) зилзилалар категориясига киритди.

Геология бошқармасининг уқтириб ўтишича, бу йил ана шу табиий офат натижасида қурбон бўлганлар сони жиҳатидан 1932 йилдагидангина кейинда туради. Ўшанда Японияда зилзила чоғидагина 150 мингга яқин киши ҳалок бўлган эди.

ЖАЗОИР. Шарроқ ёмғир ва қалин қор ёғиши натижасида Жазоирнинг бир қанча вилоятларига анчагина зарар етказилди.

Дарё тошқинлари уй-жойларни қўпориб, экинзорларни пайхон қилиб кетди.

(«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг навбатдаги сони 2 декабрда чиқади).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 — «Том ва Жерри» туркумли мультфильмлар программаси (АҚШ). 11.00 «Орзунинг ушалиши». Бадиий фильм. 15.30 «Ҳаёт формуласи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 16.25 «Совет қонунчилиги асослари». 16.55 «Биз табиат билан танишамиз». 17.15 «Объектив». 17.45 «Малакаликларнинг ишчи кафолати». 18.15 «Асл йигитлар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 19.25 Камер концерти. И. С. Бах асарларини Бородин номли квартет, халқаро конкурсларнинг лауреати В. Спиваков ва канадалик хонанда Г. Габора ижро этади. 19.50 «Н. Тихонов. Йиллар ва йўллар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.30 Санъат усталари концерти. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Химик» (Воскресенск) — МАСК, Воскресенскдан олиб кўрсатилади.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Бизнинг уй». Мультфильм. 18.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак» клуби. 19.05 Халқаро шарҳловчилар даврасида. 19.35 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.50 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». «Таштекстильмаш» заводининг ишчиси Сурўат Акромхўжаев ҳақида телевизион очерк. 20.00 «Шимол шеърлари». Б. Бойқобулов шеърлари асосида адабий композиция. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Телетомошабинларнинг хатлари асосида концерт. 21.30 Москва, «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Аничка». Бадиий фильм. 23.25 — Кўрсатувлар программаси.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ва ўқув-тажриба хўжалиги коллективи «Ҳурмат белгиси» ордени қавалери, Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг аъзоси, ўқув-тажриба хўжалиги партия ташкилотининг бюро аъзоси, 6-бригада бошлиғи Турғунбой САПАРОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги министрликнинг бўлим бошлиғи А. С. Авазматовга отаси Собир АВАЗМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.
БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.
Р—02760. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64563. В. 2677.